



## МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ДАВРИ: УЧИНЧИ РЕНЕССЕАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШ БОСҚИЧИ

<sup>1</sup>Ситора Тоштемирова

<sup>1</sup>Қашқадарё вилояти Юридик техникуми ўқитувчиси  
bobokulovasitora4@gmail.com  
+998993866125,

<sup>2</sup>Рустамова Элнора

<sup>2</sup>Қашқадарё вилояти Юридик техникуми ўқувчиси.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7276464>

### ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> October 2022  
Accepted: 01<sup>st</sup> November 2022  
Online: 03<sup>rd</sup> November 2022

### KEY WORDS

Янги Ўзбекистон, Ренессанс, Уйғониш даври, стратегик вазифа.

### ABSTRACT

*Мазкур ишда Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг мамлакат тараққиётининг комплекс дастури «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва Учинчи Ренессанс даврининг аломатлари ҳақида фикр юритилади.*

Бугун Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлида янги босқичга қадам қўймоқда. Мамлакатимизда фуқароларга ўз иқтидорини кўрсата олиш ва орзуларини рўёбга чиқаришга имкон берадиган тизим шаклланди. Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев мамлакат тараққиётининг комплекс дастурини илгари сурди. Бу ҳужжат «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»<sup>1</sup> деб номланди. Тарихий

ривожланиш қонуниятлари аниқ ва тўғри мўлжалли - стратегия жамият орзуларини реал ҳаётини натижаларга айлантириш мумкин бўлгани каби Ҳаракатлар стратегиясига ҳам мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришга оид истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи концептуал ғоялар асос бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи бу ўзгаришларни янада теранроқ англашимиз, идрок этишимизда муҳим аҳамият касб этди. Муҳтарам Юртбошимиз нутқида таъкидлаганидек, Миллий юксалиш

йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”// Веб-сайт Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони. “2017-2021



деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз.

Президентимиз 2020 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, “Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда, “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залварли ютуқларимизнинг эътирофидир. Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади”<sup>2</sup>.

“Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш” шиори замирида ҳам Учинчи Уйғониш даври ғояси мужассам. Уйғониш даври илмий манбаларда таърифланишича, Ренессанс — Марказий Осиё, Эрон, Хитойда эрамизнинг IX ва XV асрларда, Ғарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври ҳисобланади. “Ренессанс” атамаси илк бор Италиядаги маданий-маънавий юксалиш (XIV-XVI асрлар)га нисбатан қўлланилган, уни ўрта аср турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолаганлар.

<sup>2</sup>Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи <https://uz.uz/uz/posts/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2020>

Ренессанс, яъни Уйғониш фақат Европа<sup>3</sup> ҳодисаси эмас. Дунё маданиятини яхлит олиб ўрганган олимларнинг ишлари шуни кўрсатдики, Осиё<sup>4</sup> марказида жойлашган Мовароуннаҳр, Хуросон<sup>5</sup> ва Эронда Италияга қараганда бир неча аср<sup>6</sup> аввал (IX-XII асрлар) улкан маданий кўтарилиш юз берган, илм-фан, фалсафа, адабиёт кучли ривожланиб, илғор инсонпарварлик ғоялари жамият фикрини банд этган, ақлий ва ижодий фаоллик гуркираган. Бу давр дунё илмида “ Мусулмон Ренессанси” ёки “Шарқ Уйғониши” номи билан аталиб келинмоқда. Шарқ Уйғониш даври ҳам улуғ алломалар, қомусий билим соҳиблари, машхур мутафаккирларни етиштирди.

Шарқдаги Биринчи Уйғониш даврида юртимиздан Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад ал - Фарғоний, Маҳмуд Қошғ арий ва Юсуф Хос Ҳожиблар етишиб чиққан бўлсалар, Иккинчи Уйғониш даврида эса, хусусан, теурийлар хонадони ҳукм сурган босқичда Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур каби даҳо ижодкорлар ўлмас асарлар яратдилар, ишқ-муҳаббат, қаҳрамонлик, озодлик ва эзгуликни куйладилар. Миниатюра рассомчилигида бир неча мактаблар шаклланди, бунда Камолиддин Бехзод расмлари янги ижодий йўналишга асос солди.

Уйғониш тушунчаси негизида, энг аввало, жаҳолатдан маърифат томон

<sup>3</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-ye/yeuropa-uz/>

<sup>4</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-o/osiyo-uz/>

<sup>5</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-ye/yeuropa-uz/>

<sup>6</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/asr-uz/>



уйғониш ётади. Бунинг тамал тошини ўтган аср бошларида ватанимизда янгича тафаккурни бошлаган жадидчилар қўйганди. Аммо Сталин қатағони туфайли улар ғояси ғоялигича қолиб кетди. Шавкат Мирзиёев эса ўша ғояни чинакамига ҳаётга татбиқ этишни бош мақсад қилиб қўйди. Айни пайтда унинг йўл хариталари, стратегик тараққиёт дастурларида аниқ белгилаб берилди. “Тараққиёт мактаб остонасидан бошланади” бунёдкорлик ғояси доирасида илк марта юртимизда таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигига жиддий эътибор берилиб, у давлатимизнинг устувор йўналишига айлантирилди. Таълимнинг ҳар бир босқичини алоҳида ва бир-бири билан узлуксиз ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилиб, уни амалга оширишга доимгидан ҳам кўпроқ маблағ сарфланмоқда. Агар халқ тафаккурида янгича фикрлаш, ривожланиш сари интилиш руҳи жўш урмас экан, асосий мақсадга етиб бўлмайди. Бунинг учун чинакамига билим олиш, мудроқликдан уйғониш талаб этилади.

Бугунги кунда биз учинчи Уйғониш даври остонасида турибмиз. Агар Ўзбекистон Президентининг кейинги тўрт йилда маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантириш йўлида имзолаган қонун, фармон ва қарорлари, тасдиқлаган Давлат дастурлари, илгари сурган янгидан-янги ташаббусларининг мағзини тўла қақиб кўрсак, навбатдаги Маърифат Ренессансининг маркази Ўзбекистон эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Давлатимиз раҳбари нутқидаги “Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни

миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз” деган сўзлари юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли туб ислохотлардан кўзланган улуғ мақсадларни ифода этади. “Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устунни, деб ҳисоблаймиз. Мен ишонаман – ҳурматли ота-оналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устунни бўладилар. Ва бу маънавий-маърифий ҳаётимиздаги энг мустаҳкам устун бўлади, десам, ўйлайманки, сизлар тўла қўллаб-қувватлайсизлар”<sup>7</sup> деган эътирофи эса, “давлат-таълим-ўқувчи ва ота-она” ҳалқаларини қатъий бир тизимга мустаҳкамлади ва жуда улуғ мақсадга эришишнинг ишончли йўлини кўрсатиб берди.

Кейинги уч йилда бу борадаги муаммоларни самарали ҳал этиш, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мактабгача таълим, умумий таълим ва олий таълим тизими мазмунан ва сифат жиҳатидан янгиланиб бормоқда.

Ўзбекистонда улуғ алломаларимиз — - Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хоразмий

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020>



номидаги иқтидорли болалар мактаблари, халқимизнинг ардоқли адиблари номлари билан аталган ижод мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳлари ташкил этилиши таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар очиб бермоқда.

Учинчи Ренессанс даврининг аломатлари мактабгача таълимни ривожлантириш борасида ислохотлар натижасида ўтган йили 5 минг 722 та давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари ташкил этилди. Шунинг ҳисобидан мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилди. 2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди.<sup>8</sup>

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлкатимизда илм-маърифатга берилаётган алоҳида эътиборнинг замирида чуқур маъно бор. Илм-маърифат – бу янги уйғониш даврининг пойдевори, унинг асосида эса шу юрт

фуқароларининг миллий тафаккури, миллий ғояси, эртанги кунга, тараққиётга бўлган ишончи бўлиб, қайсики, жамиятдаги барқарорликни таъминлаб берувчи асосий устувор омиллардан биридир. Илм-фан ривожланар экан, нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий-маданий соҳанинг ҳам тараққиёти кафолатланади, мазкур кафолат эса ўзида янги ренессанс даврини ифода этади.

<sup>8</sup> <http://marifat-ziyo.uz/news/uzbekistondauchinchi>



## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”// Веб-сайт Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи <https://uza.uz/uz/posts/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2020>
3. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-ye/evropa-uz/>
4. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-o/osiyo-uz/>
5. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-ye/evropa-uz/>
6. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/asr-uz/>
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020>
8. <http://marifat-ziyo.uz/news/uzbekistondauchinchi>